



O'ZBEKISTON O'VOZI

2015-yil, 4-avgust. Seshanba 90 (31.993)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

■ **Хабарингиз бор, шу йилнинг 6 август кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳалари-ни изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-ни рўйбга чиқаришга, аҳолининг фаровонлигини оширишга ва ижтимоий муҳофаза қилинишни кучайтиришга қаратилган бир қатор қонунлар кўриб чиқиши кутилмоқда.**



Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида қандай қонунлар кўриб чиқилади?

«Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (янги тахрири), «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидан.

Таъкидлаш керакки, мазкур қонунларнинг лойиҳалари дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида соҳа мутахассислари, экспертлар ва сиёсий партия фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳи иштирокида кизгин муҳокама қилинди, уларнинг позициялари шакллантирилди. Қонунларни қабул қилиш жараёнида улар ҳар томонлама ҳисобга олинди.

Хўш, Сенатда кўриб чиқиладиган қонунларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат, уларга Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан қандай таклифлар киритилди?

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2015 йил 6 август кuni эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 5 август кuni соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

АБИТУРИЕНТ — 2015

Мақсади аниқнинг манзили яқин

1 август кuni мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, ЖОРИЙ йилда МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА 605 МИНГ 836 АБИТУРИЕНТ ҲУЖЖАТ ТОПШИРГАН. ЎТГАН йили УШБУ КўРСАТКИЧ 543 МИНГ 131 НАФАРНИ ТАШКИЛ ЭТГАН ЭДИ. ЁШЛАРИНИНГ ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ОЛИШГА БўЛГАН ИШТИЁҚИ МУТТАСИЛ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАР, ҲЕЧ КИМДАН КАМ БўЛМАГАН АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДАГИ ЭЗГУ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини юксалтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 июлдаги «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг изчил давоми бўлди. Ушбу қарор асосида ахборот-коммуникация ва таълим технологиялари ўқув тизимига

кенг жорий этилмоқда, бўлғуси стоматолог мутахассисларнинг назарий тайёргарлиги амалий кўникмалар билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилиши таъминланмоқда.

Тошкент давлат стоматология институтида бу йил ilk бор абитуриентлар учун тест синовлари ўтказилди.

Институт қабул комиссияси масъул котиби Афзал Акбаровнинг таъкидлашича, барча жойда бўлгани каби ушбу олий ўқув юртида ҳам тест жараёнига кизгин тайёргарлик кўрилди. Синовлар ўтказиладиган аудито-

риялар шай ҳолатга келтирилди. Давлат тест маркази томонидан аудитория қўзғатувчилари учун ўқув-ўқувий семинарлар ташкил этилди. Айни пайтда талаба бўлиш истагидаги ёшлар учун кимё, биология, она тили ва адабиёт, рус тили каби фанлар бўйича консультатив машғулотлар ташкил этилди. Бу йил институтга 2575 абитуриентдан ариза тушган. Белгиланган режага кўра, уларнинг 190 нафарига талабалик бахти насиб этади.

► Давоми 4-бетда.

Эътироф

Ўзбекистон кўчаларидаги автомобилларга қараб, бу ерда автомобилсозлик юксак суръатларда тараққий этаётганига гувоҳ бўлдим.

Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, маҳобатли иншоотлар ва муҳташам бинолар, замонавий ва миллий услубни ўзида мужассам этган меҳмонхоналар барчага манзур бўлади. Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш юксак даражада ташкил этилган. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик халқингизнинг энг катта ютуқларидандир.

Санжей АГАРВАЛ,
(Ҳиндистон).

Келажакни кафолатлаган дастурлар

«1990 йилда мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, мустақиллик йилларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари — 1,6 қарра, картошка — 1,7 марта, сабзавот — 2 баробардан ортиқ, мева қарийб 4 қарра кўпайганини эл-юртимиз фаровонлиги тобора ортиб бораётганининг амалий тасдиғи сифатида талқин этиш» мумкин.

3

2018, 2020 ва 2022 йилги Олимпиада ўйинлари

Осиё қитъасида ўтказилади

4



ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН

Давлат дастурлари ижроси таъминланиши

электрат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутди

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партияимиз гуруҳлари электрат манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида қонун ва қарорлар, давлат дастурлари ижросини мунтазам ўрганоқда. Шу орқали аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қилинган. Хусусан, яқинда Самарқанд вилоятининг урта ҳудудида Президентимизнинг «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимир-

лар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат Дастури тўғрисида»ги, «Кексаларни ёзозлаш йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижроси ўрганиб чиқилди. Натижалар таҳлил этилиб, партия гуруҳи, тегишли доимий комиссия ҳамда туман, шаҳар Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

► Давоми 2-бетда.

ДАВРА СУХБАТИ

■ **ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими томонидан шу мавзуда давра суҳбати ўтказилди. Унда депутатлар, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари ҳамда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот маркази мутахассислари иштирок этди.**

«Одам савдоси — давр муаммоси»

БМТ ва Қочоқлар бўйича халқаро ташкилотлар экспертларининг ҳулосасига кўра, сўнгги йилларда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар шиддат билан ўсиб бормоқда. Одам савдоси бозори наркотик ва қурол савдосидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. БМТнинг таҳлилий маълумотлари ер юзиде ҳар йили 2 миллион 800 минг нафардан ортиқ киши одам савдоси қурбонига айланаётганини кўрсатмоқда.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар биринчи навбатда ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлигини қайд этишди. Чунки ёшлар алдовларга ишониб қолиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини поймол этилаётганини англай олмагани мумкин. Ана шундай вазиятларнинг олдини олишда тарғибот тадбирларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши катта референти Нодира Ғофурова, «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Ихтиёр Салаевнинг маърузалари тингланди. Улар мудҳиш иллатга қарши курашда ҳамиша сергак ва огоҳ бўлишимиз талаб этилишини таъкидлашди.

Тадбир сўнггида ёшлар учун одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Август ойи пахта ривожда, ҳосил тўплашда ҳал қилувчи фаслдор



■ **ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши: тажриба, таҳлил, мулоҳаза**

Мақсади аниқнинг манзили яқин

1 август куни мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди

Олий ўқув юртларидаги таълим жараёни мазмунан бойитиш, юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида барча университет ва институтлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қўзғалган режаларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан аниқ шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий интеграциялашувининг кучайиши, янги сонаот тармоқлари ишга туширилиши, ишлаб чиқаришнинг модернизациялашуви турли соҳаларда етук билим ва малакали, ўз касбининг устаси бўлган илгор мутахассисларга талабни оширмоқда. Меҳнат бозоридаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ўқув-тарбиявий ишлар муттасил такомиллаштирилиб, жаҳон андозалари ва замон талабларига мос таълим стандартлари амалиётга жорий этилмоқда. Фан, таълим, ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциялашуви таъминланаётгани ёшларнинг билим олишга интилиши тобора ортишига, ҳар йили иқтисодий-иқтисодий соҳалар бўйича янги-янги иқтисодиётлар ташкил этилишига туртки бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 июндаги «2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул бўлишда» қароридан ҳам юртимиз

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 июндаги «2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул бўлишда» қароридан ҳам юртимиз

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Изланиш, интилиш ва жонкуярлик

тажрибали шифокор Обид Амриддиновга хос фазилат

Самарқанд шаҳридаги «Амриддинов медикал сервис» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги тиббиёт маркази ҳақида мижозлар билан гап-сўз. Шифо истаб келганларнинг айримларини суҳбатга тортамыз.

— Тайлоқ туманиданман, — дейди Садриддин Аслиддинов. — Ёшим 65 да. Одамлар даврасида бўлиш, жамоатчилик ишларида, ҳаётларда катнашиш, деҳқончилик билан шугулланиш жону дилим. Аммо кейинги пайтларда белимда каттиқ оғриқ туриб, юмушларимдан анча узоклашиб қолдим. Бир неча бор шифокорларга ҳам кўриниб, муолажалар олдим. Лекин вужудимдаги дардан бутунлай фориғ бўлолмадим. Мазкур тиббиёт марказида эса даволаш ўзгача усулда экан. Ёнг аввало, шифокорларнинг замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида касалимга аниқ таъхис қўйишга тўғри муолажага йўл очди. Мана, қисқа вақтда бел умуртқа чурраси дардидан қутулиш арафасидаман.

Самарқанд шаҳридан Ҳамида Хайитмуродова, Пастдарғом туманидан Зилола Бобомуродова каби беморлар ҳам тиббиёт маркази шифокорлари хизматидан мамнуликларини билдиришди.

— Тиббиёт марказимиз фаолиятининг изчил йўлга қўйилиши, аввало, Мустақиллигимиз шарофати, — дейди марказ раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали жарроҳ Обид Амриддинов. — Марказимизда беморларга аниқ таъхис қўйиладиган ҳамда бел умуртқаси чурраси бўйича даволаш ишлари амалга оширилади. Таъхис ва тиббиёт жарроҳлиги учун зарур бўлган барча замонавий ускуналарга эгалигимиз беморлар дардига дармон бўлишимизда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун олтимиш ёшга қаршилаётган Обид Амриддинов бутун фаолиятини тиббиётга, аҳоли саломатлигига бағишлади. У 1955 йилда Самарқанд шаҳрида зиели оиласида туғилди. Ўрта мактаб таълимидан сўнг, Самарқанд давлат тиббиёт институтидан ўқиди. Тиришқоқлиги, билимдонлиги, тиббиётга бўлган меҳри боис институтда ишга қолдирилди. Аспирантурага қабул қилинди ва 1985 йилда



Москва шаҳрида «Ўн икки бармоқли ичка яраси ва унинг асоратларини даволаш» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Обид Амриддинов Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-клиникада ординатор, жарроҳлик бўлими мудири вазифаларида ишлади. Самарқандда биринчилардан бўлиб, ўн икки бармоқли ичкадаги яраларни даволаш, унинг асоратини тугатиш борасида иш олиб борди ва бу борада муваффақиятга эришди.

1998 йилда Обид Амриддинов Самарқандда соҳа мутахассиси сифатида дастлабки компьютер томография марказини ташкил қилди. Қатор йиллар мобайнида Самарқанд ҳарбий госпиталида консультант жарроҳ бўлиб ҳам ишлади. 2007 йилда эса унинг раҳбарлигида «Амриддинов медикал сервис» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги тиббиёт маркази очилди. Шундан буён таърибали шифокор мазкур марказда аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугун бу марказ диагностика ва даволаш маскани сифатида республикага танилган. Эътиборлиси, марказда кечки ва кундузги стационлар ташкил этилган.

Обид Амриддинов ҳар доим халқимиз хизматига. Изланиш, интилиш, жонкуярлик, ўз касбига бўлган садоқат унга катта куч-қувват беради.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ёшларимиз бугун Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадлар билан яшамокда.

қабул комиссияси масъул котиби Фарход Умаров. — Шу сабабдан таълим муассасамизда жорий ўқув йилидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар талаб ва таклифи асосида «Энергоаудит ва санат корхоналарининг энергетик текшируви», «Корпоратив бошқарув», «Кончилик электромеханикаси», «Маркшейдерлик иши» каби таълим йўналишлари очилди. Янги бўлишига қарамай, ушбу йўналишларда таълим олишга қизиқувчилар кўп. Бу бугунги ёшлар замон талабини тараққийлантириш, улар Ватанимиз тараққийлантиришга қўшадиган ҳисса қўшишлари билан яшашга интилади.

Бакалавриятнинг ўттиздан ортиқ йўналишида мутахассислар тайёрланаётган ушбу университетга жорий мавсумда 17 минг 238 абитуриент ҳужжат топширган.

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабалар қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомига киритилган ўзгаришлар асосида бу йилги тест синовларида абитуриентларга янги қўйиладиган жавоблар варақаси тарқатилди. Шу пайтга қадар ишлатиб келинган жавоблар варақасини тўлдириб, абитуриентлар томонидан қолдирган хато бўлиш, жавобларни бўяшда фан блоклар ва жавоблар рақамларини алмаштириб қўйиш ҳолатлари кўп учраб эди. Шу боис бу йил жавоблар варақасида аввал мавжуд бўлган «Олий таълим муассасаси коди», «Танлов коди» ҳақидаги маълумотлар чиқариб ташланиб, фақат «Махсус код»ни киритиш қолдирилди.

Яна бир ўзгариш жавоблар варақасида фан номлари олиб ташланиб, саволларга жавоблар белгиланадиган доирачалар 1 дан 108 гача бўлган кетма-кет сонлар билан рақамланган. Яъни, унча фандан тест синовини топширадиганларнинг биринчи фан саволлари 1 дан 36 гача, иккинчи фан саволлари 37 дан 72 гача, учинчи фан саволлари 73 дан 108 гача сонлар шаклида



ривди. Абитуриент ҳақидаги маълумотларни киритиш ва имзо ўрни жавоб бўлаётган доирачалар билан битта бетга, оғохлантирувчи ёзувлар эса иккинчи бетга жойлаштирилди. Бу билан йилги-қизларни мураккаб вазиятларга солиб қўядиган ҳолатларнинг олди олинди, жавоблар варақасини расмийлаштиришда кам вақт сарфланишига эришилди.

Президентимиз томонидан ўқитувчилик касбининг мавқеини тобора юксалтириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда. — дейди Азиза. — Ушбу касб сирларини мукамал эгаллаш учун мамлакатимизда етарли имконият ва шароит мавжуд.

Ўқитувчилик касбини пухта эгаллаб, кишлоғимиздаги мактабда болаларга таълим-тарбия беришни мақсад қилганман. Тест синовларига пухта ҳозирлик кўрдим. Насиб бўлса, албатта, талаба бўламан. Мақсади аниқнинг манзили яқин, деб бежиз айтилмаган.

...Ха, ёшларимиз бугун Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадлар билан яшамокда. Минглаб йилги-қизларнинг келажақда етук мутахассис бўлишни ният қилиб, тест синовларида иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир.

Дилшод КАРИМОВ,
Нозокат УСМОНОВА,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари.

СПОРТ

30 август куни Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида Халқаро олимпия кўмитасининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда 2022 йилги қишқи Олимпия ўйинлари мезбонлигига овоз бериш тадбири ўтказилди.

2018, 2020 ВА 2022 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ

Осиё қитъасида ўтказилади

Хитойнинг Пекин шаҳри 44 овоз тўплаб, 2022 йилги қишқи Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ёзги ва қишқи Олимпиада ўйинларининг мезбонлигига эга бўлган илк шаҳар сифатида Олимпия ўйинлари тарихидан жой олди. Шунингдек, Олимпия ўйинлари тарихида қузатилмаган яна бир ҳолат бу — 2018 (Жанубий Корея), 2020 (Япония) ва 2022 йилги Олимпиада ўйинлари Осиё қитъасида ўтказилишидир.



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, мазкур мусобақаларнинг очилиш маросими, шунингдек, фигурли учуш, шорт-трек, хоккей, кёрлинг, конкида учуш каби бахслар марказий Пекинда, тоғ чангиси, бобслей, чана спорти, скелетон эса Пекин шаҳрининг шимолий-ғарбий уезди Яньчидида ўтказилса, Чжанцзякоуда чанги пойғаси, трамплиндан сакраш, биатлон, фристайл, сноуборд каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш режалаштирилган.

Хитойликлар мазкур Олимпиада ўйинларини ҳақиқий байрамона руҳда ўтказишга ваъда беришмоқда.

Шоҳбоз САИДОВ

ОБ-ҲАВО 04.05.08 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+22 / +27 +37 / +42

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+22 / +27 +37 / +42

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+22 / +27 +36 / +41

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+22 / +27 +37 / +42

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+22 / +27 +35 / +40

Тошкент шаҳри

+22 / +24 +38 / +40



Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +22 / +22

Париж +26 / +32

Москва +25 / +25

Мадрид +36 / +37

Пекин +32 / +31

Канберра +10 / +8

Рим +35 / +36

Афина +36 / +37

Токио +35 / +34

Стокгольм +22 / +23

Кейптаун +17 / +18

Қоҳира +39 / +38

Гавана +34 / +35

Вашингтон +34 / +34

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши «Azalea Garnet» қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамияти бош директори, партия фаоли Зокрижон Холматовга ўғли

ПАХЛАВОННИНГ бевақ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ		
LADA		
CHEVROLET		
UAZ		
GAZ		

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.

Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;

(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38

www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859

11037

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 20.40

Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:


Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633



1 2 3 4 5